

Қуранбеков А.
ТДШИ, филология фанлари доктори, профессор

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДА “ЖОН” СҮЗ-ТИМСОЛИ

Аннотация: Бу мақолада Алишер Навоининг “Лайли ва Мажнун” достонидаги “жон” сўзининг мажозий ва ирфоний маънолари талқин қилинади.

Аннотация: В этой статье рассматривается метафорическое и мистическое значение лексемы «душа» в поэме «Лейли и Меджнун» Алишера Навои.

Abstract: This article discusses the metaphorical and mystical meaning of the lexeme “soul” in the poem “Leili and Majnun” by Alisher Navoi.

“Жон” сўз-тимсоли рамзий ном бўлиб, унинг халқ онгидаги анъанавий, диний-ирфоний, физиологик ва мажозий маънолари мавжуд. Анъанавий тасаввурда “жон” инсон танасидаги тириклик манбаи, диний-ирфоний қарашларга кўра биринчи инсон Одам Атони яратгандан кейин унинг танасига Ҳақ таоло томонидан уфурилган рух. Кўчма маънолари эса, тилда турли бирикмаларда келадиган кўшимча маънолар. Бу маънолар эркин ва турғун бирикмаларда тагматнга караб, баъзан тил тизимиға ўрнашган ва оддий кишилар томонидан англашиладиган, баъзан эса шоир томонидан кашф қилинган ситуатив маъноларни ифодалайди.

“Жон”нинг достон матнида қўлланган маъноларини талқин қилиш ва шоир қандай маънони назарда тутганини аниқлаш нафақат ёш, энди илм қўчасига кириб келаётган ўқувчига, балки адаб илмида етарлича тажрибага эга бўлган адабиётшунос олимларга ҳам осон эмас. Бунинг сабаби шундаки, шоирнинг қалбидаги тугён ураётган дарду аламларни, баъзан, шоирнинг ўзи ҳам бор бости билан тилда ифодалай олмайди. Баъзан бунга шоир яшаб турган ижтимоий муҳит йўл бермаса, баъзидаги диний ақидалар йўл бермайди, баъзидаги эса ўз фикрини ифодалаш учун муносиб сўз топилмайди. Натижада маъноси мавхумроқ, пардали сатрлар қоғоз юзини кўради.

Матнни тушунишга монелик қиласидиган яна бир тўсик сўз белгининг рамзийлиги бўлиб, бу рамзий ифодага шоир қандай маъно юклайдиганлигини, фақат шоирнинг ўзи билади. Ўқувчи эса бу мавхумлик, дудмаллик, рамзийликни англаб талқин қилиши учун шоирнинг руҳий оламини, у яшаб турган ижтимоий муҳитда ҳукм сурган воқеа ва ҳодисаларни, халқнинг яшаш тарзини ва ақидаларини ва бошқа кўп нарсаларни билиши керак.

Яна шуни назардан қочирмаслик керакки, ҳар бир тоифа кишилари шеърий матндан билиш тажрибаси ва ақидасига караб турлича талқин қиласиди.

“Лайли ва Мажнун” достонида “жон” сўзи 168 марта қўлланган. Ҳар бир “жон” сўзи қўлланган байтдан янги маъно қидириш ноўрин, албатта. Чунки, буни шоир хоҳлайдими, хоҳламайдими бир маъно бошқа ҳолатларда ҳам такрорланади. Шунинг учун мазкур тадқиқотнинг мақсади, бетакрор маъноларни излаб топиш ва бу сўз ҳақидаги ўқувчи онгидаги билимларни кенгайтиришдир. Достондаги “жон” сўз-тимсоли матнадаги байтлар кетма-кетлигига талқин қилинади.

1/10 Эй ўртаб ул ўтга хонумонлар,
Не хону, не монки жисму жонлар

Эпик асарнинг байтларини талқин қилинганда, айнан шу байт доирасида маъно аниқланмаслиги мумкин. Шунинг учун кўпинча фасл доирасидаги мавзудан келиб чиқилади. Бу байтда гап “ишқ” ҳақида кетмоқда. Шунга кўра “жисму жонлар” метонимия ҳодисасига кўра “инсонлар” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “[ишқ] хонумонларни ва ва нафақат уни, балки не-не инсонларни ўртаган”.

4/5 Дилбар сочидек ҳароси жонда,
Мен мунда нечукки қўнглим анда.

Бу байтдаги “ҳароси жон” сўзма-сўз “жоннинг қўрқуви” маъносини англатади. Лекин бу ўринда “хавф-хатардан қўрқиб титраб-қалтираш” назарда тутилган, чунки бу бирикма “дилбарнинг соч тўлғониши”га ташбих қилинган. Байт мазмуни: “Худди дилбар сочидек мен бунда хавф-хатардан титраб, лекин қўнглим унда”.

4/8 Жон меҳнати келди зикри онинг,
Умр офати бўлди фикри онинг.

Бу байтдаги “жон меҳнати” бирикмасида “жон” сўзи “руҳ” маъносини ифодалаган. Бунинг аломати “онинг зикри”, яъни “уни эслаш” бирикмаси бўлиб, байт қуйидагича талқин қилинади: “Унинг зикри руҳий азоб бўлди, унинг фикри умр офати бўлди”.

4/24 Бот-ботки олиб дами равонбахш,
Оlamfa эсиб насими жонбахш.

Бу байтдаги “насими жонбахш” бирикмаси “хаётбахш шабада” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Тез-тез қўнгилга ором берувчи дам олиб, хаётбахш шабада оламга эсади”.

4/52 Савру ҳамал айлабон фифонлар,
Курбони анинг қилурға жонлар.

Бу байтда “жонлар” сўзи “ҳаёт” маъносини ифодалаган. Бунга биринчи мисрадаги “савру ҳамал”, яъни эйҳом санъати билан ҳам юлдузларга ва ҳам уларнинг араб тилидаги маъноларига ишора далил бўла олади. “Савр” сўзи арабчада “буқа” ва “ҳамал” сўзи “қўзичоқ” маъносини ифодалайди. Шунингдек бу сўзлар буржларнинг номлари. Шоир бу байтда: “Буқа (савр) ва қўзичоқ (ҳамал) ҳаётимни қурбон қилишга тайёрмиз [пайғамбар меъроҳ кечасида осмонга кўтарилилганда], деб фифон чекардилар”, деган маънони ифодалаган.

4/57 Қобқа суйи оби зиндагоний,
Ул сув била тоза Ҳут жони.

Бу байтда “Ҳут жони”да эйхом бор. Шоир “Ҳут” сўзида буржни назарда тутган, лекин бу сўзнинг арабча маъноси билан сўз ўйини қилган. “Ҳут” сўзи арабча “балиқ” маъносини ифодалайди. Шунга кўра “жон” сўзи “тириклиқ” маъносини билдиради. Байт мазмуни: “Қовға (далв ойи) суви тириклиқ суви, балиқ (ҳут ойи)нинг тириклиги айнан шу сувдан”.

4/67 Ким тан анга жондин артуғ ерди,
Жон икки жаҳондин артуғ эрди.

Бу байтда “тан” билан “жон” қиёсланган. Шунга “жондин артуғ эрди” бирикмаси “қадрлироқ”, “қиммати юқорироқ эди” маносини ифодалаган. Иккинчи мисрадаги “жон” эса “энг қимматбаҳо жонзор” маъносини ифодалаб, [пайғамбар]нинг “жони” икки жаҳондан ортиқ эди, демоқчи. Байт мазмуни: “[Пайғамбар]нинг тани жондан ортиқ эди, жони икки жаҳондин ортиқ эди”.

8/9 Гар оти ўлуб замон бадиъи,
Зоти келиб инс-у жон бадиъи.

Бу байтдаги “инс-у жон” бирикмасидаги “жон” сўзи “парилар” маъносини ифодалаб, “инс”, яъни “инсонлар”га оппозиция ҳосил қилган. Байт мазмуни: “Агар оти Бадиъ уз-замон (замонанинг яратгани) бўлса, унинг зоти инсон ва парилардан яралган”.

8/38 Гоҳ сўз била элга жон бағишилаб,
Бир сўз била жаҳон бағишилаб.

Бу байтдаги “жон бағишиламоқ” бирикмаси “кўнгилни кўтармоқ”, “дилини яйратмоқ” маъноларини ифодалайди. Байт мазмуни: “Гоҳо сўз билан эл кўнглини кўтарар, бир сўз билан жаҳон бағишиларди”.

9/45 Ақшом дема зулмати маҳофат,
Жон қасдиға ҳар сари юз офат.

Бу байтда “жон қасдиға” бирикмаси “инсон ҳаётига” маъносини ифодалайди. Байт мазмуни: “Оқшом дема хавф-хатар зулмати, ҳар тарафда инсон ҳаётига офат”.

9/48 Юз офат ичинда жон авучлаб,
Минг маҳлакадин ниҳон авучлаб.

Бу байтдаги “жон авучлаб” бирикмаси “қўрқувдан титраб” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Юз офат, минг таҳликадан яширин титраб-қақшаб”.

9/59 Ким келди бу дашт ишқ дашти,
Жон офати келди саргузашти.

Бу байтдаги “жон офати” бирикмаси “умр заволи” маъносини ифодалаган. Бу маънонинг белгиси “саргузашт” (бошдан кечириш) сўзида жо бўлган. Байт мазмуни: “Бу дашт ишқ дашти бўлиб, уни бошдан кечириш умр заволидир”.

9/108 Жонига етишти завқу ҳолат,

Раф ўлди бари ғаму малолат.

Бу байтдаги “жонига” сўзининг маъноси “завқу-ҳолат” бирикмаси билан боғлиқ бўлиб, “кўнгил” маъносини ифодалаб келган. Байт мазмуни: “Барча ғам-кулфатлари тугаб, кўнглида завқ пайдо бўлди”.

10/25 Тан махзанинг нуҳуфта сийми,

Жон гулшанинг ёруғ насими.

Бу байтдаги “жон”нинг маъноси ўта мавҳум. Шоир нимани назарда тутгани номаълум, лекин “гулшан”га ташбиҳ қилингандан “жон” сўзининг “қалб”, маъноси юзага чиққан дейиш мумкин. Бунга биринчи мисрадаги “тан махзанинг нуҳуфта сийми” ҳам гувоҳлик беради. Байт мазмуни: “Тан хазинасининг яширин кумуши, қалб гулшанинг ёруғ шабадаси”.

10/59 Жондин севиб они бенаволар,

Хар кимки кўруб, қилиб дуолар.

Бу байтдаги “жондин севмоқ” бирикмаси “чин қалбдан севмоқ” маъносини ифодалайди. Байт мазмуни: “Йўқсуллар уни чин қалбдан севар, ким кўрса дуолар қиласди”.

10/63 Жон пардасидин ёпиб паранде,

Кўз мардумидин сочиб сипанде.

Бу байтдаги “жон” сўзи “авайлаш, ардоқлаш ҳисси” маъносини ифодалайди. Чунки ота-она севимли фарзандини ёмон кўзлардан асраш учун авайлади. Шунинг учун “жон пардаси” – бу “дил қаъридаги энг ардоқли ҳислари пардаси билан фарзандни ўзгалар назаридан саклаш” маъносини ифодалайди.

Байт мазмуни: “[болани] ардоқлаб ўзгалар назаридан дил қўри билан асраб, кўз қорачифидан исириқ сочарди”.

11/36 Лаълида йиғиб захирай жон,

Оғзи суйи анда шираи жон.

Бу байтда “жон” мажозий “лаззат манбаи” маъносини ифодалаган. Бунинг белгиси “лаълида”, яъни “лабларида” сўзидир. “Шираи жон” ҳам “лаззат манбаи” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Лабларида лаззат манбаи йиққан, оғзидағи суви лаззат шираси”.

11/37 Жон топибон улки ўпса они,

Мундин дебон, оби зиндагоний.

Бу байтдаги “жон”нинг маъно белгисига ишора “оби зандагоний” (яъни “тириклиқ суви”) бирикмасидир. Шунга кўра “жон топмоқ” бирикмаси “қайтадан тирилмоқ” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Уни ким ўпса, қайтадан тирилиб, шунинг учун уни “тириклиқ суви” дерди.

11/41 Бел риштаи жони зор янглиғ,

Жон пардаси ичра тор янглиғ.

Бу байтдаги “жони зор” бирикмаси шоирнинг ноёб топилмаларидан бўлиб, “узилай-узилай деб турган нозик тола”га ўхшатилган. Бунинг далили “ришта”, яъни “ип” сўзидир. “Жон пардаси” эса “нозик парда” маъносида

келган. Байт мазмуни: “[Қиз] бели узилай деб турган ип каби, нозик пардадаги тор каби”.

11/89 Йўқ эрса мизожидин мувосо,
Жон берса не суд элга Исо.

Бу байтдаги “жон бермоқ” икки маънога эга: биринчиси “вафот қилмоқ”, иккинчиси “тирилтирмоқ”. Бу ўринда иккинчи маъноси кўпроқ мос келади. Чунки мисрада “Исо пайғамбар” тилга олинган. Ўликни тирилтириш исо пайғамбарнинг мўъжизаларидан. Байт мазмуни: “Мизожидан ёрдам бўлмаса Исо тирилтирганидан не фойда”.

11/108 Ул лаъл ўтидин жаҳонға куймак,
Йўқ-йўқ, не жаҳонки, жонға куймак.

Бу байтдаги “жонға куймак” жаҳон билан қиёсланяпти. “Жаҳон”нинг кувиши, демак ҳамма нарсани кувиши, ундан ортиқроқ қуиилаётган “жон”нинг кувиши, “инсоннинг энг азиз туйғуси”нинг кувиши. Байт мазмуни: “Бу лаб ўтидан жаҳон аҳли куяди, нафақат аҳли, балки жаҳоннинг асраран энг азиз туйғуси куяди”.

12/49 Кўз учи била боқиб чугоҳи,
Жондин чекиб андоқ ўтлуғ оҳи.

Бу байтдаги “жондин чекиб” бирикмаси “ўтлуғ оҳи” бирикмаси билан боғлиқ бўлиб, шоир “жон”ни “энг қайноқ ҳиссиёт манбай” маъносида қўллаган. Байт мазмуни: “Гоҳо кўз қири билан боқиб, қайнаб-тошган ҳисларидан ўтли оҳ чекарди”.

12/83 К-ей жонима ҳайрат ўти солғон,
Кўнглумни бурун назарда олғон.

Бу байтда “жонима” сўзининг маъносига ишора “ҳайрат ўти солғон” жумласида жо бўлган. Шунга кўра “жон” афтидан “бор вужудум” маъносига яқинроқ талқин қилинса керак. Байт мазмуни: “Ей, сен бор вужудимга ҳайрат ўти солган, кўнглумни бир қарашда олган”. Яъни “бир қарашда кўнглини олиб, ҳайратдан бор вужуди оловда ёнган” деган мазмунни ифодалайди.

14/63 К-ей, муждаи жон ҳазин нафиринг,
Руҳумға гизо бийик сафиринг.

Бу байтда “жон” сўзи инсон ҳиссиётига хос тушунча бўлиб, “руҳ” маъносини ифодалаган. Бунга ишора “ҳазин нафир”, яъни “ҳазин оҳанг” бирикмаси бўлиб, ёр тортган “ҳазин оҳ” ошиқ руҳига “мужда” – “хушхабар” келтирмоқда. Байт мазмуни: “Эй, сенинг ҳазин оҳинг руҳимга хушхабар, баланд чеккан ноланг эса унинг қуввати”.

14/81 Чун Ҳайға йиғила қўпа етти,
Жон оғзиға етти, ҳуши кетти.

Бу байтдаги “жон оғзиға етти” бирикмаси “ўлар ҳолатга етди” – маъносини ифодалайди. Байт шарҳга муҳтоҷ эмас.

14/116 Куюб онадек ғамида жони,
Гоҳ судради, гоҳ кўтарди они.

Бу байтдаги “жон куймоқ” ўзбек тилидаги кенг қўлланадиган бирикма бўлиб “юраги куймоқ” маъносини ифодалайди. Қолган сўзлар тушунарли.

16/25 Ҳам қиблаи жони бу қабила,

Ҳам жону жаҳони бу қабила.

Бу байтдаги “қиблаи жони” бирикмаси “муқаддас туйғуси” маъносини, “жону жаҳони” бирикмаси “ҳаётининг мазмуни ва мақсади” маъноларини ифодалаб келган. Байт мазмунни талқининга ҳожат сезилмайди.

17/52 Жонимни халос этиб анодин,

Кутқарсалар эрди минг балодин.

Бу байтдаги маъно ясовчи сўз “ано”, яъни “машаққат” сўзи бўлиб, инсон ҳиссиётига тегишли. Шунга кўра “жон”нинг маъноси “юрак сезгиси” кўринишида намоён бўлади, яъни “юрагимдаги сезгиларни машаққатдан халос этиб, минг балодан кутқарсалар эди” демоқчи.

17/75 Хосса не кишики, жон балоси,

Не жонки бари жаҳон балоси.

Бу байтда “жон балоси” бирикмаси “киши” сўзини сифатлаб келмоқда, шунга кўра “хавф-хатар манбай” маъносини ифодалайди. Байт мазмуни: “Айниқса шундай кишики ўта хатарли, нафақат бир кишига, балки бутун жаҳонга хавфли”.

17/89 Жон ёра қилурга ул қўюб юз,

Панд ахли сепиб яросига туз.

Бу байтдаги “жон ёра қилмоқ” бирикмаси “аҳволи яхшиланмоқ”, “куватга кирмоқ”, “тузалмоқ” маъноларини ифодалаб, Қайснинг касалдан тузалиши ҳақида гап кетмоқда. Байт мазмуни: [Қайс] аҳволи яхшилана бошлаганида, насиҳатчилар ярасига туз сепарди”.

17/114 Солғонда оёғ-илик уруб тоб,

Жон ришталариға келтурууб тоб.

Бу байтдаги “жон ришталари” бирикмаси байтнинг мазмунидан “томирлар” маъносини ифодалаган. Бунга ишора биринчи мисрадаги “оёғ илик уруб” бирикмаси гувоҳлик беради. Байт мазмуни: “Оёқ-иликларини уриб талпинганида, томирлари тортиларди”.

19/50 Хошок дема шикаста мўре,

Жони юкидин танифа зўре.

Бу байтда “жон” оғирлик ўлчовига эга бўлган жисм сифатида тасвирланган. Аслида “юқ” кўчма маънода “дард-алам”га нисбат берилади. Шунга кўра “жон юки” – “ғам қулфат” маъносида бўлса керак. Байт талқини: “Хашак дема бели синган чумоли, дарду алам юкидан танаси зўриқкан”.

20/77 Дардимга хаёлинни табиб эт,

Жонимға висолини насиб эт.

Бу байтдаги “жон” сўзининг маъноси ўта кенг. Шуниси аниқки, “жон” ўзининг аслий маъносида эмас, кўчма маънода ишлатилмоқда. Шунга кўра “жонимға” сўзи орқали “бисотимдаги энг азиз ва мўтабар туйғу ишқ”қа деган

маънода ишлатилмоқда. Байт мазмуни: “Хаёлимни дардимга табиб эт, ишқимга висолини табиб эт”.

21/77 Бу неча рамида жонидин кеч,
Бежурм гурух қонидин кеч.

Бу байтдаги “жонидин кеч” бирикмаси “афв айла” маъносини ифодалаган. Байтга шарҳ керак эмас.

21/81 Жонимғараво кўрай қилич, ўқ,
Лекин бу суруқ рамидага йўқ.

Бу байтда “жонимға” сўзи “ўзлик” маъносини ифодалаган. Бунга ишора “раво кўрай қилич, ўқ” бирикмасида мавжуд. Яъни “қилич, ўқни ўзимгараво кўрай, бу чўчиған тўда [ҳайвонлар]га эмас” демоқчи.

22/22 Кўз устида улча расму ойин,
Жон ўртада улча ақду қобин.

Бу байтда “жон ўртада” бирикмасини англаб олиш ва талқин қилиш анча мураккаб бўлди. Лекин “улча ақду қобин”, яъни “худди қабул қилинган таомилга кўра никоҳ ва маҳр” бирикмасига кўра “жон” сўзини “ёшлар тақдири” деб талқин қилиш мумкин. Байт мазмуни: “Ҳамма расм одатлар, икки ёш тақдирига яраша никоҳ ва маҳр ҳам назарда тутилган”.

24/42 Йўқ кисада нақддин нишоним,
Бордур керак эрса нақди жоним.

Бу байтдаги “нақди жон” бирикмаси “ҳаёт баҳоси” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Қиссада нақд пулдан ном-нишона йўқ, керак бўлса ҳаётим баҳоси бор”, яъни “ҳаётимни бераман” маъносида.

24/87 Ул ерга дегин югурди жондин,
Ким кўчмиш эди қабила ондин.

Бу байтдаги “жондин” сўзининг маъно белгиси “югурди” сўзидан англашилади, яъни “куч-қувват” маъносини ифодалайди. Байт мазмуни: “Қабила кўчган жойгача, бор куч-қуввати билан югурди”.

24/88 Эй ёри манозили насими,
Жон атри берур даминг шамили.

Бу байтдаги “жон атри” бирикмаси “инсонга жон ато қилувчи хушбўй хид” маъносини ифодалаган. Байт мазмуни: “Эй ёр манзилларининг шабадаси, сенинг нафасинг жон ато қилувчи хушбўй хид таратади”.

25/4 Кун гарм бўлиб ҳалоки жонға,
Лайли киби ўт солиб жаҳонға.

Бу байтдаги “ҳалоки жон” бирикмасидаги “жон” метонимия воситасида “инсон” маъносини, яъни “инсонни ҳалок қилгудай” маъносини ифодалаган. Байт маъноси равшан.

26/65 Ҳам хўбу ҳам элга меҳрибондур,
Неча деса яхшигина жондур.

Бу байтда “жон” сўзи “тирик зот” маъносини ифодалаб келган. Бунга ишора “яхшигина” сўзи бўлиб, “жон”ни яхши ёмони бўлмайди, демак бу сўз мажозий маънони ифодаламоқда.

27/12 Мендинки ичим ғамингда қондур,
Сангаки ғаминг танимда жондур.

Бу байтда “жон” сўзининг маъно белгиси “ғам” сўзи билан боғлиқ бўлиб “хаёт мояси” маъносини ифодалаган. Байт аниқ равшан.

31/30 Бу эрди бирики ул ики фард,
Ким жонлари эрди дардпарвард.

Бу байтда “жонлари” сўзи “умрлари” маъносини ифодалаган. Бунинг далили “дардпарвард” яъни “дардга йўғрилган” сўзидир. Байт мазмуни: “Биринчиси, бу икки кишининг умрлари дардга йўғрилган эди”.

35/164 Ким кирди уй ичра ёри жоний,
Йўқ-йўқки рафиқи жовидоний.

Бу байтдаги “ёри жоний” бирикмаси “севимли ёр” маъносини англатади. Бу байтнинг қолган мазмуни тушунарли.

Шу билан “Лайли ва Мажнун” достонидаги “жон” сўзининг барча ишлатилган байтлари кўриб чиқилди. Имкони борича “жон” сўзининг ҳамма нодир маънолари талқин қилинди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, “жон” сўзининг баъзи ўринлардаги маъноси ҳаддан ташқари кенг бўлиб, унинг тўлиқ тавфисини беришга ўзбек тили бойлиги етишмади. Зотан, шоир ҳам ўз фикрини ифодалашга сўз бойлиги етишмаганда “жон” сўзига янгидан янги маъно юклаб, достонда қўллаган бўлиши мумкин.